



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 15 июнь, № 121 (7351)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ШХТ САММИТИ – МУШТАРАК МАҚСАДЛАР РЎЁБИ УЧУН ҚУЛАЙ МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13-14 июнь кунлари Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида бўлиб, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг ўн тўққизинчи мажлисида иштирок этди.



ЗАСЕДАНИЕ СОВЕТА ГЛАВ ГОСУДАРСТВ-ЧЛЕНОВ ШАНХАЙСКОЙ ОРГАНИЗАЦИИ СОТРУДНИЧЕСТВА (г. Бишкек, 13-14 июня 2019 года)

上海合作组织成员国元首理事会会议 (2019年6月13-14日, 比什凯克)

ШАНХАЙ ҚЫЗМАТТАШТЫҚ УЮМУНУН МҮЧӨ-МАМЛЕКЕТТЕРИНИН БАШЧИЛАРЫНЫН КЕҶЕШИНИН ЖЎЙНАЛЫШЫ (2019-жылдын 13-14-июну, Бишкек ш.)

MEETING OF THE COUNCIL OF HEADS OF STATE OF THE SHANGHAI COOPERATION ORGANISATION (13-14 June 2019, Bishkek)

Бишкек, 14 июнь. ЎзА махсус мухбири Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ хабар қилади.

Саммитнинг асосий тадбирлари 14 июнь куни «Ала-арча» қароргоҳида бўлиб ўтди. Дастлаб давлат раҳбарлари тор доирада учрашдилар. Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков раислигида ўтган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Покистон Ислоҳ Республикаси Бош вазири Имрон Хон, Рос-

сия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон иштирок этди. Томонлар ШХТ мамлакатлари ўртасидаги алоқаларни кенгайтиришга, сиёсат, иқтисодий ва хавфсизлик соҳаларида кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустақамлашга оид ҳамда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалаларни муҳокама қилдилар. ШХТ Бош котиби Владимир Норовнинг ташкилот фаолиятига доир ҳисоботи тингланди. Давлат раҳбарлари кенгаши-

нинг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида ташкилотга аъзо мамлакатлар билан бирга кузатувчи, мулоқот бўйича шерик мақомидаги давлатлар, халқаро ташкилотлар делегациялари раҳбарлари қатнашди. Унда ШХТни ривожлантиришнинг истиқболдаги йўналишлари, муҳим минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди. Иқтисодий ва инвестициявий шерикликни кенгайтириш, транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш масалалари ва кўп томонлама кооперациянинг бошқа жиҳатлари кўриб чиқилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. ШХТ доирасида ташкил этиладиган туризм мақомидаги учрашувлар Ўзбекистоннинг стратегик мақсадларини рўёбга чиқариш учун қулай майдондир. ШХТ минтақасидаги транспорт коммуникациялари мамлакатимизнинг жаҳон бозорига чиқишида муҳим омил бўлса, савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқалар юртимиз иқтисодий-тинри ривожлантириш, юқори технологияли корхоналар ташкил этишга хизмат қилади. Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик минтақавий тинчлик ва барқарорликни мустақамлайди.

Бинобарин, Ўзбекистон ШХТ доирасидаги барча тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда. Давлатимиз раҳбарининг кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ШХТнинг Остона (2017) ва Циндао (2018) саммитларида илгари сурган таклиф ва ташаббуслари қўллаб-қувватланиб, изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, Циндаодо Давлат раҳбарларининг Ёшларга қўшма муурожаати қабул қилинди, ўтган йилнинг сентябрыда Тошкентда ШХТга аъзо давлатлар темир йўл бўйича идоралари раҳбарларининг биринчи учрашуви ўтказилди. Президентимизнинг қарорларига мувофиқ пойтахти-

мида ШХТнинг Халқ дипломатияси маркази таъсис этилди, Самарқанд шаҳрида «Ипак йўли» халқаро туризм университети очилди. Жорий йилнинг иккинчи ярмида эса аъзо давлатлардаги ёшлар ташкилотлари иштирокида Ахборот технологиялари ва инновацион ривожланиш ҳамда Стартап ташаббуслари ва лойиҳалари бўйича форумлар ўтказиш режалаштирилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқида минтақага доир долзарб масалаларга эътибор қаратиб, уларни ҳал этиш бўйича амалий таклифлар билдирди.

Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Бишкек декларацияси қабул қилинди. Аъзо мамлакатлар ўртасида туризм соҳаларида шерикликни ривожлантириш, ШХТнинг бошқа халқаро тузилмалар билан ҳамкорлигига доир 22 та ҳужжат имзоланди. Ўзбекистон Президентининг таклифига мувофиқ, ШХТга аъзо мамлакатларнинг Рақамлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорлиги концепцияси ҳамда Худудлараро ҳамкорликни ривожлантириш дастури қабул қилинди. ШХТга раислик Россия Федерациясига ўтди. Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда саммит самарали ўтгани, имзоланган ҳужжатлар ташкилотни янада ривожлантириш, минтақа мамлакатлари ва халқларини тараққиёт йўлида жипшлаштиришга хизмат қилиши таъкидланди. Саммит доирасида ШХТ Ёшлар кенгашининг мажлиси ҳам бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Хитой, Россия ва Тожикистондан ёшлар ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Мажлисида минтақа ёшларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, таълим сифатини яхшилаш, ўзаро тажриба алмашишига имконият яратиш, тадбиркорлик лойиҳалари ва инновацион фойдаларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, бандлигини таъминлаш каби қатор масалалар муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу кун Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг саммитида иштирок этиш учун Бишкекдан Душанбегга жўнаб кетди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

(Бишкек шаҳри, Қирғизистон Республикаси, 2019 йил 14 июнь)

Муштарам Сооронбай Шарипович! Ҳурматли делегациялар раҳбарлари! Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Шарипович Жээнбековга яна бир бор самимий қабул учун миннатдорлик изҳор қилмоқчиман. Замонавий халқаро муносабатлар туб ўзгаришлар даврини бошдан кечирмоқда. Бир томондан, дунёда янги ахборот-технология тартиблари шаклланимоқда. Илмий-техникавий тараққиёт инновацион ривожланиш учун ноёб имкониятлар яратиб бermoқда. Бошқа томондан, йирик давлатлар ўртасидаги манфаатлар кураши кучайиб, жаҳон бозорига рақобат кескинлашмоқда. Демографик ва экологик номувозанатлик кучайиб, озик-овқат ва сув хавфсизлиги билан боғлиқ муаммолар жиддий тус олмақда. Буларнинг барчаси терроризм, экстремизм, наркотрафика, трансчегаравий уюшган жиноятчилик ва қуроли низолар шароитида содир бўлмоқда. Бугунги кунда биз учун: — хавфсизликни таъминлашда келишилган сиёсатни юритиш; — давлатларимиз барқарор тараққиёти ва раванқи учун қулай шароитлар шакллантириш муҳим.

ШХТ роли ва мавқеини янада мустақамлаш бизнинг «Шанхай руҳи» ҳамда ташкилот тамойил ва кадриятларига нечоғли амал қилишимизга боғлиқ бўлади. Яқинда Пекинда «Бир макон, бир йўл» форуми муваффақиятли ўтказилди. Эртага Душанбеда Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг саммити бўлиб ўтади. ШХТ билан бир қаторда бу мулоқот майдонлари барчамиз учун умумий шериклик маконини шакллантиради. Бу минтақамизда замонавий тараққиётнинг энг муҳим масалалари бўйича ёндашувларни мослаштиришга хизмат қилади. Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари! Бизнинг фикримизча, Марказий Осиё ёқидан кейин ҳам ШХТнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолиши зарур. Бугунги кунда минтақамиз нисбатан барқарор, ишончли ва иқтисодий жиҳатдан мустақам бўлиб бermoқда. Бу кенг миқёсли ҳамкорлик, муҳим минтақавий лойиҳаларни илгари суриш учун қулай шароит ва ноёб имкониятлар яратади. Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши шулар жумласидан. Бу ўзаро савдони ри-

вожлантириш ва мамлакатларимизга инвестициялар оқимини оширишга кучли туртки бериши, шубҳасиз. Шу билан бирга, минтақа барқарорлиги кўп жиҳатдан Афғонистондаги вазият билан белгиланади. Ўзбекистон афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш жараёнини тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Бўғун қабул қилинаётган «ШХТ — Афғонистон» Мулоқот гуруҳининг ҳаракатларига доир «Йўл харитаси», шунингдек, ушбу мамлакатни устувор инфратузилма лойиҳаларини илгари суриш орқали минтақавий ҳамкорликка жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, биз глобал тус олган ва миллионлаб инсонлар ҳаёти, Марказий Осиё мамлакатларининг экологик фаровонлиги ва иқтисодий тараққиётга салбий таъсир кўрсатаётган Орол инқирози оқибатларини бартараф этиш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштириш тарафдоримиз. Мазкур муаммони ҳал этиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигидаги Оролбўйи минтақаси учун кўп шериклик Траст фонди ташкил этилди. Бу ерда Экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди яратиш бўйича яқин ҳамкорлик қилиш ниятидамыз. Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

ШХТ доирасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтиришга оид таклифларим билан ўртоқлашмоқчиман. **Биринчи.** Ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича қуйидаги муҳим ҳужжатларни ишлаб чиқишни таклиф қиламиз: — Ўзаро алоқалар, самарали иқтисодий ва транспорт йўлақларини ривожлантириш бўйича ШХТ Ҳамкорлик стратегияси; — «Ақлли» қишлоқ хўжалиги ва агроинновацияларни жорий этиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик концепцияси. **Иккинчи.** Мамлакатларимизда замонавий ресурс тежовчи ва экологик тоза технологияларни кенг жорий этиш мақсадида ШХТнинг «Яшил белбоғ» дастурини қабул қилиш долзарб аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз. **Учинчи.** Ахборот технологиялари ривожланишига маъсул идоралар раҳбарларининг мунтазам учрашувлари механизминини жорий этиш, шунингдек, киберхавфсизлик масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқишни таклиф қиламиз. **Тўртинчи.** Мамлакатларимиз ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш мақсадида ШХТнинг Иқтисодий форумини мунтазам ўтказиш тарафдо-

римиз. Илк форумни Самарқанд шаҳрида ўтказишга тайёримиз. **Бешинчи.** ШХТ доирасида парламентлараро мулоқотни тиклашга доир ташаббусларни қўллаб-қувватлаймиз. Ушбу янги механизм Ташкилот имкониятларини кенгайтириб, фаолиятимизга парламентарийлар, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтларини жалб қилиш имконини беради. **Олтинчи.** ШХТ шаҳар ва минтақаларининг тарихий-маданий меросини оммалаштириш ва туристик салоҳиятини янада тўлиқ намоён этиш муҳим, деб ҳисоблаймиз. Яна бир яхши аънаёнага асос солишни таклиф қиламиз: ҳар йили Ташкилотда раислик қилувчи мамлакатдаги шаҳарлардан бирини ШХТ сайёҳлик ва маданий пойтахти, деб эълон қилиш. Ҳурматли делегациялар раҳбарлари! Яна бир бор муштарам Сооронбай Шариповичга Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилишда чин кўнгилдан муваффақиятлар тилаймиз. Эътиборингиз учун раҳмат!

Давлатимиз раҳбарини Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода ва Душанбе шаҳри ҳокими Рустам Эмомали қутиб олди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Душанбе шаҳридаги Миллат саройида Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан учрашди. Давлат раҳбарлари Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида дўстлик, яхши кўшничлик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатлари жадал ривожланиб, тобора мустақамлашиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этдилар. Уйғун сиёсий ирода ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли стратегик шериклик тамойиллари амалда рўёбга чиқарилаётгани қайд этилди. То-вар айирбошлаш ҳажми ортмоқда, қўшма кооперация лойиҳалари ва маданий-гуманитар алмаши-нув дастурлари илгари сурилмоқда. Худудлар да-ражасида фаол мулоқот йўлга қўйилган. Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қўламли ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари му-ҳокама қилинди ҳамда минтақавий ва халқаро аҳами-ятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбари Тожикистон Президентига ОҲИЧК саммити доирасидаги тадбирларни самарали ўтказишда муваффақиятлар тилади.

ЎзА.



# «АҚЛЛИ ШАҲАР»

## юртдошларимиз турмуш тарзини янада яхшилади

“Ақлли шаҳар”, “Ақлли қурилиш”, “Энергия самарадор уй”, “Энергия тежамкор уй”...  
Кечагина кўпчилик англаб етмаган ушбу тушунчалар бугун ҳаётимизга шиддат билан кириб келди. Аммо бу ибораларда акс этган механизмларни шаҳарсозликка жалб этишнинг бугунги ҳолати қай даражада?

### Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан Қурилиш вазири билан ҳамкорликда ўтказилган конференция ана шу масалага бағишланди.  
Маълумки, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан шаҳар ва қишлоқ жойларда қад кўтарётган уй-жойлар юртимиз кўрғига кўрк, чиройга чирой қўйиши баробарида, одамларнинг фаровон яшашини учун замин ҳозирламоқда. Президентимизнинг 2018 йил 19 декабр-

даги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган дастурга кўра, жорий йилда қурилиш объекти сони 2773 тани ташкил этаётгани ҳам шундан далолатдир.  
Шунингдек, Юртбошимизнинг Андижон, Бухоро, Навоий, Жиззах, Фарғона, Тошкент вилоятларига таширларни давомидан берган топшириқлари ижросини ўз вақтида таъминлаш мақсадида 6 та бош режа лойиҳасини ишлаб чиқиш бел-

ланган бўлиб, ҳозирги пайтда шулар юзасидан муайян ишлар олиб бориляпти. Бу жараёнда бинолар қурилишида янги технологиялардан фойдаланиш, энергия тежамкорлиги, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусияти, нақш билан безаш, шаҳарлар миллий қиёфасини сақлаб қолиш ва замонавий қурилиш объектиларининг ўзаро уйғунлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти.  
Депутатлар “Ақлли шаҳар”, “Ақлли қурилиш”, “Энергия самарадор уй”, “Энергия тежамкор уй” тушунчаларига тўхталиб, қурилиш материаллари орқали энергияни тежаш ва табиий иқлим назоратига эришиш мумкинлигини таъкидлашди. Дарҳақиқат, жойларда барпо этиляётган 2 сотихлик, 3 хонали уйларда иссиқлик ҳимоя қатлами сифатида энергия тежамкор материаллар ишлатиляпти.  
Анжуманда мамлакатимизга турист-

# Халқаро конференция СУДЛАР ЖАЗОЛОВЧИ ОРГАН ЭМАС, АКСИНЧА...

Мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, уни илгариги жазоловчи органдан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ғимоя қиладиган, демократик ўзгаришларнинг муҳим воситаси бўлган институтга айлантиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга ошириляпти. Натижада судларнинг корхона, ташкилот ва муассасаларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ғимоя қилувчи орган сифатидаги ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда.



салалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Батир Матмуратов. — Маъмурий судларнинг ташкил этилиши билан судларда мавжуд “юклар”нинг энгиллашишига эришилди. Жисмоний ва юридик шахслар билан ишлашда ҳар бир мурожаатни алоҳида ва батафсил таҳлил қилиш учун муайян чоралар кўрилди. Юртимизда илғор халқаро амалиёт ва ривожланган давлатларнинг маъмурий судларини шакллантириш тажрибасига таянилмоқда.  
Конференцияда мамлакатнинг маъмурий судловни ривожлантиришдаги ютуқлари, унга оид қонунчиликни янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ҳам кўриб чиқилди. Бу борада ўз ечимини топмаган муаммолар қучур таҳлил қилинди.

“Ўзбекистон Республикасида маъмурий судларда иш юритилиши: замонавий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари” мавзусидаги халқаро конференцияда шу ва бошқа долзарб масалалар маҳаллий ҳамда хорижий экспертлар иштирокида муҳокама қилинди.  
Анжуманда Россия, АҚШ, Австрия, Арманистон, Украина, Беларусь, Германия, Испания, Франция, Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистондан келган экспертлар ўз мамлакатларида маъмурий суд иши бўйича эришилган ютуқлар ва ислохотлар юзасидан

тақдимотлар ўтказди. Шунингдек, бу борада бўлиб ўтган кенг қўламли тадбирлар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ғимоя қилиш, маъмурий, жиноий, фуқаролик ва хўжалик қонунларини такомиллаштириш йўлидаги сый-ҳаракатлар хусусида батафсил сўз юритилди.  
— Сўнги йилларда тизимда олиб борилган ислохотлар натижаси ўлароқ, маъмурий тартиб-қоидаларни амалга ошириш самарадорлиги бир неча баробар орди, — дейди Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ ма-

салалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Батир Матмуратов. — Маъмурий судларнинг ташкил этилиши билан судларда мавжуд “юклар”нинг энгиллашишига эришилди. Жисмоний ва юридик шахслар билан ишлашда ҳар бир мурожаатни алоҳида ва батафсил таҳлил қилиш учун муайян чоралар кўрилди. Юртимизда илғор халқаро амалиёт ва ривожланган давлатларнинг маъмурий судларини шакллантириш тажрибасига таянилмоқда.  
Конференцияда мамлакатнинг маъмурий судловни ривожлантиришдаги ютуқлари, унга оид қонунчиликни янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ҳам кўриб чиқилди. Бу борада ўз ечимини топмаган муаммолар қучур таҳлил қилинди.

### Депутат фикри

## ТАДБИРКОРГА ФАОЛИЯТИНИ ҚАЙТА ТИКЛАБ ОЛИШИ УЧУН ШАРОИТ ЯРАТИЛАДИ

Давлатимиз раҳбарининг ўтган ҳафтада эълон қилинган “Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан мамлакатимизда ихтиёрий равишда ўз фаолиятини тугатмоқчи бўлган ёки турли сабабларга кўра ишламаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатишнинг соддалаштирилган механизмлари жорий этилди.



Мазкур ҳужжатда ихтиёрий равишда тугатилаётган, молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ҳамда қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиблари белгиланган.  
Ҳозирги кунда юртимизда тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини тугатишга оид Президентнинг 1999 йил 28 июндаги “Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиблари белгиланган.”

тибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ҳам қабул қилинган бўлиб, ҳужжат билан тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланган.  
Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган Фармон айнан юқорида кўрсатилган ҳуқуқий ҳужжатларга бевосита тааллуқли бўлиб, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини тугатиш жараёнини соддалаштириш кўзда тутиляпти. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги қарори билан тасдиқланган Низомда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида”ги қарори қабул қилинган бўлиб, мазкур ҳужжатлар асосида бу ҳилдаги корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида Низом ҳам тасдиқланган. Ушбу ҳужжатда молия-хўжалик фаолиятини олти ой мобайнида амалга оширмаётган корхоналар, шунингдек, қонунчиликда белгиланган муддатда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби белгиланган.

ичида корхонанинг устав фондиди шакллантирмас, Вазирлар Маҳкамасининг юқорида кўрсатилган қарорига асосан, корхона тугатиш жараёни бошланар эди. Фармон билан бу жараён ҳам бекор қилинди.  
Фармоннинг яна бир эътиборли жиҳати шундан иборатки, эндиликда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналар давлат солиқ хизмати органининг тақдимино-масига асосан, рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан уч йил муддатга ҳаракатсиз режимга ўтказилади. Бу тадбиркорлик субъектларига қонун ҳужжатлари билан берилган имтиёзларнинг асосийларидан биридир. Чунки уч йил ичида тадбиркор ҳаракатсиз режимдан ҳаракат режимига ўтиб, ўз фаолиятини давом эттириши мумкин. Аммо тадбиркор бу имкониятдан фойдаланмас, рўйхатдан ўтказувчи орган корхонани Тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестридан чиқаради.  
Фармондан кўзланган асосий мақсад турли сабабларга кўра, ўз фаолиятларини юритмаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бирданга тугатиш эмас, аксинча уларга яна бир бор ўз фаолиятини тиклаб олишлари учун ташкилий-ҳуқуқий шароит яратиб беришдан иборатдир.

Ҳозирги кунда юртимизда тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини тугатишга оид Президентнинг 1999 йил 28 июндаги “Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида”ги қарори қабул қилинган бўлиб, мазкур ҳужжатлар асосида бу ҳилдаги корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида Низом ҳам тасдиқланган. Ушбу ҳужжатда молия-хўжалик фаолиятини олти ой мобайнида амалга оширмаётган корхоналар, шунингдек, қонунчиликда белгиланган муддатда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби белгиланган.  
Бундан ташқари, Президентнинг “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тар-

тибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ҳам қабул қилинган бўлиб, ҳужжат билан тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланган.  
Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган Фармон айнан юқорида кўрсатилган ҳуқуқий ҳужжатларга бевосита тааллуқли бўлиб, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини тугатиш жараёнини соддалаштириш кўзда тутиляпти. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги қарори билан тасдиқланган Низомда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида”ги қарори қабул қилинган бўлиб, мазкур ҳужжатлар асосида бу ҳилдаги корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида Низом ҳам тасдиқланган. Ушбу ҳужжатда молия-хўжалик фаолиятини олти ой мобайнида амалга оширмаётган корхоналар, шунингдек, қонунчиликда белгиланган муддатда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби белгиланган.  
Бундан ташқари, Президентнинг “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тар-

тибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ҳам қабул қилинган бўлиб, ҳужжат билан тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланган.  
Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган Фармон айнан юқорида кўрсатилган ҳуқуқий ҳужжатларга бевосита тааллуқли бўлиб, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини тугатиш жараёнини соддалаштириш кўзда тутиляпти. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги қарори билан тасдиқланган Низомда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида”ги қарори қабул қилинган бўлиб, мазкур ҳужжатлар асосида бу ҳилдаги корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида Низом ҳам тасдиқланган. Ушбу ҳужжатда молия-хўжалик фаолиятини олти ой мобайнида амалга оширмаётган корхоналар, шунингдек, қонунчиликда белгиланган муддатда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби белгиланган.  
Бундан ташқари, Президентнинг “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тар-

### Таълим

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ БОРАСИДАГИ ТАЖРИБАСИ ЎРГАНИЛДИ

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч, стратегик шериклик ва мустаҳкам дўстлик мезонлари асосида ривожланиб бормоқда. Бунинг асосида ИИВ Академияси ҳамда Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлигининг Краснодар университети ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ушбу университет бошлиғи, генерал-лейтенант Александр Симоненко бошчилигидаги делегация юртимизга ташир буюрди. ИИВ Академиясида ўтказилган учрашувда икки давлатнинг дўстона муносабатлари, хусусан, ҳуқуқ-тартибот органлари ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланиб бораётгани алоҳида қайд этилди.  
Маълумки, бир йил муқаддам Краснодар шаҳрида мазкур университет ҳамда ИИВ Академияси ўртасида муҳим келишув имзоланган эди. Унга кўра, таълим ва илм-фан соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, ички ишлар органлари учун малакали кадрлар тайёрлаш, ўзаро ҳамкорликда илмий тадқиқотларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.  
Шундан келиб чиқиб, таширф доирасида россияликлар юртимизнинг ҳуқуқ-тартибот органлари учун малакали кадрлар тайёрлаш борасидаги тажрибасини ўргандилар.  
— Ушбу таширфдан кўзланган асосий мақсад ҳам ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш, ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз тажрибасини ўрганиш ва кадрлар тайёрлаш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишдан иборат, — дейди генерал-лейтенант Александр Симоненко. — Мулоқотимиз самимий руҳда ўтаётганидан мамнунмиз.  
Учрашув доирасида икки мамлакат курсант-талабалари учун малака ошириш курслари ҳамда маҳорат машғулотлари ташкиллаштириш, таълимга замонавий технологияларни жорий этиш, илмий ҳамкорликни кенгайтириш, биргаликда ўқув ва илмий адабиётлар тайёрлаш каби муҳим масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

3. ХОЛТЎРАЕВ.



### Навбат 15 кунда келади

— Хонадонимизда ўн жон истиқомат қиламиз, — дейди Юқори дашт маҳалласи, 84-уйда истиқомат қилувчи Садирхўжа Зокиров. — Ховлимизда ҳовуз қавлаб олганмиз. Жазирамада тез бўғланишининг олдини олиш ва сув мўътадиллигини сақлаш учун қирғоқларга тол экилган. Қирғизистон чегара ҳудудидан Учқўприк туманининг Сарикўрғон қишлоғига катта сой оқиб ўтади. Унинг сувидан Бағдод, Риштон, Учқўприк туманлари деҳқончилик учун навбат билан фойдаланишади. Энди тасаввур қилиб олаверинг, ҳар учала туманда неча минг гектарлаб сўғориладиган ер мав-

жуд. Бизга эса, мавсумда сув мўл бўлсагина маҳалламизга базўр 10 — 15 кунда сув навбати келади. Шундагина ҳовузоларимизга, хонадонимиздаги йирик идишларга сув ғамлаб оламиз.  
**Эпидемия тарқалиши эҳтимоли юқори**  
— Ҳовузолардаги сув уч кундан кейин “бузилади”, — дейди Юқори дашт маҳалласи, 101-уйда яшовчи Зокиров Турдалиев. — Турли ҳашаротлар, личинкалар пайдо бўлади. Бошқа сув манбаси йўқлиги учун ана шу сувни қайнатиб ичишга мажбурмиз. Ҳудудимизда эпидемия тарқалиши эҳтимоли жуда юқори.

## ИЧИМЛИК СУВИ УЧУН ҚАЧОНГАЧА ОСМОНГА КЎЗ ТИКИШАДИ?

Одамлар истеъмол учун ҳали ҳам очик ҳовузлар сувидан фойдаланишяпти, деса кўпчилик ишонмаслиги мумкин. Лекин Риштон туманидаги бир неча қишлоқ аҳолиси бундан сира ҳайратланмайди. Чунки...  
Туман марказидан 15 километр олисда жойлашган “Жалаер” маҳалла фуқаролар йиғинида 3700 дан ортиқ кишилар истиқомат қилади. Ҳудуддаги Янгиобод, Каттайўл, Юқори дашт маҳаллаларида ичимлик суви таъминоти масаласи йиллар давомида ҳал этилмай қолиб кетаётган долзарб муаммо ҳисобланади. Аҳоли қиш об-ҳавосига кўз тикишга мажбур. Сабаби, қорли-қировли кунлар қанча кўп бўлса, мавсумда сув ҳам нисбатан яхши бўлади. Қолаверса, ҳар бир хонадонда обихаёт тўплаш учун мўъжаз ҳовузлар қилинган. Ундан ҳам кундалик эҳтиёж, ҳам чорва учун фойдаланишади. Бироқ қиш сەرғин келмаса-чи? Ана унда Янгиобод, Каттайўл, Юқори дашт маҳаллаларида яшовчи фуқароларга ҳақиқий синов бошланади... Келинг, қолганини уларнинг ўзидан эшитинг.

### Таассуф

Энимиздан сой оқиб ўтади. Лекин бу йилги баҳорда ҳаво ҳарорати паст бўлгани боис, Сарикўрғон сойидан сув одатадиган бир ой кеч келди. Сизга ёлғон, бизга чин — истеъмолга, чорвага, экин-тикинга, боғларга ҳар бир қатнови 50 — 100 минг сумдан машина ёллаб сув келтирдик. Вақт ўттиши, вазият чигаллашиши билан ҳаммамизга “дўппи тор келиб қолди”. Сув келтирувчи машиналарнинг ҳар бир қатнови нархи кўтарилди кетди.

### «Мақтабга уйдан чой бериб юборамиз»

— Уч-тўрт хўжалик бир ҳовуздан фойдаланамиз, — дейди шу маҳалланинг

### Хартугул ҳавфсизроқ

Бу борада мақтаб маъмуриятининг ҳам фикрларини эшитиб кўрдик.  
— Даргоҳимизда Янгиобод, Каттайўл, Юқори дашт маҳаллаларидан қатновчи 326 нафар ўқувчи таҳсил олади, — дей-

ди 22-умумтаълим мактаби директори Орифжон Қодиров. — Ҳақиқатан ҳам, бу ердаги артезиандан олинаётган сув истеъмолга яроқсиз. Шу боис юқумли касалликларнинг тарқалиши эҳтимоли бор. Туман санитария-эпидемиология

назорати марказидан рухсат олиб, бир минг етти юз литрли бетон идиш ташкил қилдик. Бу цистернага эса сувни сотиб олиб тўлдирамиз. Ҳартугул ҳавфсизроқ, Сувнинг истеъмолга яроқчилигини мунтазам назорат қиламиз.

### «КЎРИБ ЧИҚИЛЯПТИ», «БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ», «МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ» ДЕЙИЛАДИ-Ю...

“Жалаер” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Янгиобод, Каттайўл, Юқори дашт маҳаллаларида нафақат тоза ичимлик суви, балки бир қанча бошқа муаммолар ҳам йиғилиб қолган. Масалан, ҳар учала маҳаллага транспорт қатнови йўлга қўйилмаган. Мобил алоқа воситалари яхши ишламайди. Қиш мавсумида кўчаларда юриш ҳам муаммо. Болалар мактабга қатновда қийналишади. Новойхона, устакхона, маҳалла гузары умуман йўқ. Марказга бориш учун уч-тўрт транспорт воситасига эҳтиёж сезилади.  
Маълумки, жорий йилдан Халқ қабулхоналари вакилларининг хонадонма-хонадон юриб, аҳоли муаммоларини ўрганиш тартиби жорий қилинди. Ҳўш, мутаасаддилар бу ҳудудларга қелишяптими? — Ҳа, Риштон тумани Халқ қабулхонаси вакиллари маҳалламизга қелишган, — дейди Юқори дашт маҳалласи 101-уйда яшовчи Гулмира Турдалиева. — Лекин нимадандир шошилгандек,

телефонларига хонадонлар суратини олиб, тезда кетишган. Риштон тумани марказидаги Халқ қабулхонасига ҳам бориб муаммоларимизни айтганман. Қабулхона мудири тез фурсатларда кўчаларимизга шағал ётқизишлигини ваъда берганди. Утган йили ана шу каби арзларимиз битилган мурожаатларимизга жавобан “Кўриб чиқиляпти”, “Бартараф этилади”, “Маълум қиламиз” қабилидаги умумий гапларга тўла мавсум жавоб хатлари олганми. Бизда эса муаммолар кўп. Мисол учун, маҳалламизда мактабгача таълим муассасаси йўқ. Ваҳоланки, ҳудудда 300 нафардан зиёд жажжи ўғил-қизлар воёга етпапти. Булоқбоши қишлоғидаги 23-мактабгача таълим муассасаси филиали эса Юқори даштдан 6 километр узоқда жойлашган. Транспорт қатнови яхши эмаслиги боис у ерга фақат машинаси борлар фарзандини олиб бориши мумкин. Автоулови йўқ хонадонларга эса қийин.

### Хулоса ўрнида

Ҳўш, Риштон тумани ҳамда вилоят мутасаддилари мазкур ҳудудда яшаётган одамлар муаммоларига қачон жиддий эътибор қаратади? Сектор раҳбарлари бу ердаги аҳволдан хабардорми? Қисқаси, саволлар кўп. Биз жавоб кутиб қоламиз...

### Элёржон ЭҶСОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.







# Миллий банк: Биз мижозларимизга шундай хизматлар ва фойдаланиш таклифларни тақдим этаёмизки...



Юртимиздаги деярли барча банклар йирик инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш борасида муайян тажрибага эга. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам бошқа бир муҳим масала — оддий одамларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини таъминлашда ютуққа эришган, дея олмаймиз. Бу йўналишда ўтган йили катта кадам қўйилди, яъни молия муассасалари кўрсатадиган хизматлари оммабоплигини оширишга киришди.

## Молия муассасаларида

Бинобарин, “ЎзМиллийбанк” ҳам ўзининг молия бозоридagi фаолиятини мижозлар манфаати устуворлигини таъминлаш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиққан нафақат бугунги талабларга жавоб бериш, балки бундай ўзгаришлар силсиласида олдинги сафда бўлишга ҳаракат қилаётганидан далолат беради.

Хозирги кун талаби бозордаги бўш ўринни эгаллашдангина иборат эмас, албатта. Қолаверса, молия бозори иштирокчилари орасида ҳам рақобат тобора кучаймоқда. Ана шундай шароитда таклиф этилаётган банк маҳсулотлари ва хизматларининг сифати, турли-туманлиги ютуқлар омили бўла олади.

Президентимизнинг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан белгиланган вазифалар доирасида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки аҳолига хизмат кўрсатишнинг амалдаги тартибини такомиллаштириш, шунингдек, банк маҳсулотларининг янги турларини жорий этиш бўйича қатор ташаббусларни рўйбга чиқарди.

Ўтган йилнинг 24 октябрида Чакана бизнес департаменти тузилди. Натихада дастлабки кунларданок хизмат турларини кўпайтириш баробарида, чакана йўналишини ривожлантириш ҳамда инновацион маҳсулотлар таклиф этилишига эътибор кўчди. Истеъмолчилар билан ўзаро ишончли ва узоқ муддатга мўлжалланган муносабатларни ўрнатиш мақсадида мижоз учун қулай ҳамда фойдали шарт-шароитлар яратилди.

Мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга қаратилган сарф-ҳаракатлар, энг аввало, банк жозибдорлиги ва унга бўлган ишонччи оширишга олиб келади. Бунга эса тақдим этилаётган хизматларни соддалаштириш ҳамда тезкорлигини таъминлаш орқали эришилади. Шу маънода, Чакана бизнес департаменти фаолиятининг барча йўналишида ўзгаришлар юз берди. Омонатлар бўйича операциялар, пластик карточкаларни жорий этиш ва уларга хизмат кўрсатиш, масофадан туриб ишлайдиган “Milliy” мобил иловаси, пул ўтказмалари, жисмоний шахсларга кредит бериш каби хизматлар шулар жумласидан.

### Энг жозибали омонат турлари

Миллий банк мамлакатимиз фуқаролари даромадларини янада кўпайтириш учун шароит яратиш мақсадида ҳам миллий, ҳам хорижий валютадаги кўплаб омонат турларини таклиф этади. Мухими, бунда мижоз манфаати устувор ҳисобланади. Банк ўз омонатчиларига банк сирини сақлашишни, шунингдек, пул маб-

лағлари ўз вақтида қайтарилишини кафолатлайди. Мерос ҳуқуқининг махфийлиги ва ҳимояланганлиги банк тизими томонидан доимий назорат қилинади. Омонатчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида омонат шартномалари матнидаги банк фойз ставкасини бир тарафлама тартибга тушириш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақидаги банд олиб ташланди.

Бундан ташқари, ўтган йилнинг октябрь ойидан миллий ва

хорижий валютадаги муддатли ҳамда жамғарма омонатлари амалга киритилган бўлиб, маблагнинг сақланиш муддати 12 ойдан 36 ойгача, фойз ставкалари эса 16 фоиздан 21 фоизгача этиб белгиланди. “Мустақиллик 27”, “Икки қарра фойда”, “Прогресс”, “Мега-прогресс”, “Комфорт” ва “Инвестиция” омонатлари шулар сирасидандир. Илгари, агар омонат шартномаси муддатидан аввал бекор қилинса, унга ҳисобланган фойзлар “талаб қилиб олинганга қадар” омонатига белгиланган микдорда тўланар эди. Янги омонат турлари бўйича эса шартлар шундай шакллантирилдики, омонат шартномаси муддатидан аввал бекор қилинганида фойзлар пайсаятирилган ставкада бутун сақланиш муддати

даромад олиш имконияти яратилди.

2019 йил 1 май ҳолатига кўра, жисмоний шахсларнинг омонат ҳисоб рақамларидаги қолдиқ микдори йил бошидагига нисбатан 114 фоиз, миллий валютада 135,5 фоиз кўпайди.

Сақланиш муддати 18 ойдан 36 ойгача бўлган бешта янги омонат турининг жорий этилиши узоқ муддатли омонатлар улушини деярли 8 марта оширди.

Банк жамоаси аҳолининг вақтинча бўш пул маблағларини банк депозитларида жалб этишни рағбатлантириш, фуқароларнинг жамғарма ҳисоб рақамларидаги қолдиқларини кўпайтириш учун янги жорий этилаётган омонатлар жозибдорлигини ошириб боради.

“Humo” карточкаларини муомалага чиқариш 2019 йил май ойидан бошланганки, улар банкнинг барча мижози, яъни жисмоний шахсларга ҳам, корхона ва ташкилот ходимларига ҳам иш ҳақини ўтказиб бериш доирасида тақдим этилмоқда.

Чакана бизнес департаменти томонидан халқаро тўлов тизими — “Visa International” пластик карточкалари бўйича лойиҳалар ҳам амалга оширилди. Маҳаллий ва халқаро бозор ҳолати ҳамда ривож ўрганиб чиқилган, “Visa” карточкалари бўйича “3D Secure” технологиясини улаш хизмати жорий этилди. Бу эса Миллий банк мижозларига интернет-дўконлардан фирибгарлик хавфи низоҳатда кам бўлган ҳолда товар харид қилиш имконини берди.

дастури бўйича миль йиғиш имкониятини кўлга киритди. Жамғарилган мильлар эса текин авиачиптага алмаштирилиши ёки “UzAirPlus” лояль дастурига кўра, хизмат кўрсатиш тоифасини кўтариши мумкин.

Бундай карточкалар очилганда, мижозга Миллий банк томонидан 1 000 та дастлабки миль тақдим этилади. Карточка эгасининг бир йил давомида хавфсиз сафар қилишини бепул сугурталайди.

Банк, шунингдек, “Visa” ҳамда “MasterCard” халқаро карточкалари орқали электрон тижорат (E-commerce) хизматини таклиф қилмоқда. Интернетнинг ривожланиши ана шундай, аънавий бизнес юритиш усулларини ўзгартириш ҳамда янги сотув каналла-

Бундан ташқари, маблағларни бошқариш ҳам жуда соддалашди. Энди бирор тўловни амалга ошириш, пулни бошқа ҳисоб рақамга ўтказиш, омонат очиш каби ишлар учун банкка бориш шарт эмас. Буларнинг барчасини 24/7 режимида оддий смартфон ёрдамида амалга ошириш мумкин.

Миллий банк ушбу мақсадлар учун “Milliy” мобил иловасини таклиф этади. Бугунги кунда ундан фойдаланувчилар сони 126 мингдан ошди ва бу рақам кундан-кунга кўпаймоқда. Бу бежиз эмас. Чунки мазкур илова 200 дан зиёд хизмат турларини ва энг жозибдор тарифларни таклиф қилади.

Банкнинг мобил иловаси жуда катта ривожланиш салоҳиятига эга кучли маркетинг воқеасидир. У ходимлар томонидан эътиборсизлик туфайли йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликларнинг олдини олади. Мижозлар эса қулай шароитда ва тезкорлик билан керакли хизматдан фойдаланади.

### Атиги 3 — 10 дақиқа кифоя

Чакана бизнесдаги яна бир муҳим йўналиш, бу — пул ўтказмаларида. Миллий банк ўз мижозларига “Western Union”, “MoneyGram”, “Золотая Корона”, “Юнистрим”, “Contact”, “Азия Экспресс” тизимлари орқали пул маблағларини жўнатиш ва олишни таклиф этмоқда.

Аваллари пул ўтказмасини амалга ошириш учун фақат нақд кўринишида ва хорижий валютада пул топшириш талаб этилган бўлса, энди банк мижозга танлаш ҳуқуқини бермоқда. Яъни пулни нақд ёки нақдсиз кўринишда ҳам, миллий ёки хорижий валютада ҳам жўнатиш мумкин. Бундай хизматлар ҳақи халқаро тўлов тизимлари томонидан белгиланади ва ўтказма қайси давлатга жўнатилаётганига ҳам боғлиқ.

Пул ўтатишининг мазкур усулида асосий афзаллик — унинг тезкорлигида. Пул қабул қилувчида 3 — 10 дақиқа ичидаёқ етиб боради.

2019 йилда пул ўтказмаси бўйича амалиётлар ҳажми 2018 йилдагига нисбатан 169,4 фоиз ортди, транзакциялар сони 175 фоиз, даромад эса 170 фоиз кўпайди.

### Жисмоний шахсларга маъқул келадиган кредитлар

Миллий банк кредит беришни фаол ривожлантириб, ўз мижозларига овердрафт, авто, истеъмола ва таълим кредитлари, шунингдек, микроқарз таклиф этмоқда.

Кредитлашда технологик ечимлардан бири — овердрафт. У Миллий банк филиаллари хизмат кўрсатадиган корхона ва ташкилот ходимларининг пластик карточкаларига уларнинг ойлик маошини доирасида тақдим қилинади. Бунда кредит бир кун учун ўрнатилган лимит микдоридан берилади. Овердрафтининг ўзига хослиги шундаки, қарзга олинган маблағдан исталган вақтда фойдаланиш мумкин. Фақат қарз мавжуд бўлган тақдирдагина унга фойз ҳисобланади.

Жорий йилнинг биринчи чораги якунига кўра, кредит портфели 1,228 триллион сўмни ташкил этди. Бу йил бошидан буён кўрсаткич 144 фоиз, 2018 йилнинг шу давридагига нисбатан 4,5 баравар ўсганини англатади.

Қисқа қилиб айтганда, бугун Миллий банк бренди ҳаммага яхши таниш. Банк жамоаси истеъмолчиларнинг эҳтиёж ва хоҳишларига жуда эътиборли. Уларнинг содиқлигига эришиш учун рақобатга тайёр. Мижозлар манфаатига мос маҳсулот ва хизматлар тури мунтазам кўпайтирилаётгани фаолиятда юқори мезонларни сақлаб туришда муҳим омили бўлмоқда.

Миллий банк матбуот хизмати кўмағида Собир АЛИЕВ тайёрлади.

Хизматлар лицензияланган.

## ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР



Карточка тури	Карточкани чиқариш	Камаймайдиган депозит
“Visa Virtual”	Комиссия олинмайди	5 АҚШ доллари/ 50 000 сўм
“Visa Classic” (USD) (UZS)	Комиссия олинмайди	25 АҚШ доллари/ 200 000 сўм
“Visa Gold” (USD) (UZS)	100 000 сўм	50 АҚШ доллари/ 400 000 сўм
“Visa Platinum” (USD) (UZS)	200 000 сўм	100 АҚШ доллари/ 800 000 сўм
Кобренд-карта “Visa Gold” (USD) (UZS)	150 000 сўм	50 АҚШ доллари/ 400 000 сўм
Кобренд-карта “Visa Platinum” (USD) (UZS)	250 000 сўм	100 АҚШ доллари/ 800 000 сўм

Миллий банкнинг “Visa” карточкалари бўйича товар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилинганда, бу бошқа банк инфратузилмаси (терминал, инфокиоск, интернет каби) орқали амалга оширилса, комиссия олинмайди. “Visa Classic” карточкаси бундан мустасно (комиссия — амалиёт суммасидан 0,5 фоиз).

### Ҳаммаси карточка эгалари учун

Бугунги кунда пластик карточка жуда қулай тўлов воситасига айланди. Ривожланган инфратузилма ёрдамида карточка эгалари ундан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларида бемалол фойдалана олишади. Пластик карточка билан боғлиқ бизнес юқори технологияларга асослангани билан ахраблиқ туради. Шу боис уни чакана бозорининг энг жадал ривожланаётган сегменти, деб аташади. Банк пластик карточкалари оммабоплигини янада ошириш мақсадида ўз мижозларига турли маҳсулот ва хизматларни таклиф этиб келмоқда. Жумладан, айни пайтда мижозларга “UzCard” ва “Humo” тўлов тизимлари пластик карточкаларини очиб берапти. Шу ўринда айтиш жоизки,

Шунингдек, миллий валютадаги халқаро “Visa” карточкалари муомалага чиқарилди. У мижозларга карточкани долларда эмас, сўмда тўлдиришда қўл келади. Карточкадан хорижий давлатлар ёки Ўзбекистон ҳудудига жойлашган савдо-хизмат корхоналарида товар ёки хизмат учун тўловлар айна “Visa” карточкаларини қабул қилувчи терминаллар орқали тўлана, ундаги пул маблағлари автоматик равишда конвертация қилинади.

Мамлакатимизда ўхшаши бўлмаган энг катта лойиҳа шундан иборатки, 2019 йил 1 февралдан бошлаб, Миллий банк Миллий авиакомпания билан биргаликда “Visa Gold” ҳамда “Visa Platinum” халқаро карточкалари асосида “НБУ-НАК” кобренд-карталарини чиқарди. Бундай карточка эгалари нақдсиз усулда тўловларни ўтказиш орқали “UzAirPlus” лояль (содиқлик)

рига эга бўлган электрон бозор пайдо бўлишига олиб келди. Келгусида “MasterCard” ва “UnionPay” халқаро тўлов карточкаларини муомалага чиқариш ҳам режалаштирилган.

рига эга бўлган электрон бозор пайдо бўлишига олиб келди.

Келгусида “MasterCard” ва “UnionPay” халқаро тўлов карточкаларини муомалага чиқариш ҳам режалаштирилган.

### Амалиётлар доираси кенгайиб бормоқда

Хозирги кунда смартфон ва планшетлардан фойдаланувчилар сони тобора ортиб, мобил гаджетлар ҳам борган сари “акли” бўлиб борапти. Яъни уларнинг функциялари кундан-кунга кўпаймоқда. Банкларнинг мобил иловалари смартфон ёки планшетни банк пластик карточкаси билан “боғлаб қўймоқда”. Бу эса мижозга исталган жойдан туриб, ўзига қулай вақтда хизмат учун тўлов ўтказиш имконини тақдим этапти.

## МИЛЛИЙ БАНКНИНГ КЕНГ ТАРҚАЛГАН ОМОНАТ ТУРЛАРИ:

### «Инвестиция» муддатли омонати

Сақланиш муддати — 13 ва 18 ой. Омонат бўйича фойз ставкаси: — 13 ой сақланганда — 20 фоиз йиллик; — 18 ой сақланганда — 21 фоиз йиллик. Энг кам дастлабки бадал — 1 000 000 сўм. Фойзлар ҳар ойда, капитализациясиз тўланади.

Кўшимча бадаллар қабул қилинади (нақд ва нақдсиз шаклда). Омонат шартномаси муддатидан аввал бекор қилинганида, фойзлар қуйидаги тартибда тўланади:

- 4 ойдан кам муддат сақланса — 0 фоиз йиллик ҳисобидан;
- 3 — 17 ой муддат сақланса — 16 фоиз йиллик ҳисобидан бутун сақланиш муддати учун.

### «Мега-прогресс» муддатли омонати

Сақланиш муддати — 36 ой. Омонат бўйича фойз ставкаси: — биринчи йил учун — 18 фоиз йиллик; — иккинчи йил учун — 19 фоиз йиллик; — учинчи йил учун — 20 фоиз йиллик.

Энг кам дастлабки бадал — 1 000 000 сўм. Фойзлар ҳар ойда ёки сақланиш муддати тугаганидан кейин, капитализациясиз тўланади. Кўшимча бадаллар қабул қилинади. Омонат шартномаси муддатидан аввал бекор қилинганида, фойзлар қуйидаги тартибда тўланади:

- олти ойдан кўп муддат сақланса — 14 фоиз йиллик ҳисобидан бутун сақланиш муддати учун;
- икки йилдан ортиқ муддат сақланса — 16 фоиз йиллик ҳисобидан бутун сақланиш муддати учун.

Омонат масофадан туриб очилганда фойз ставкалари:

- сақланган биринчи йил учун — 18,25 фоиз йиллик;
- сақланган иккинчи йил учун — 19,25 фоиз йиллик;
- сақланган учинчи йил учун — 20 фоиз йиллик.

### «Прогресс» муддатли омонати

Сақланиш муддати — 12 ой. Энг кам дастлабки бадал — 500 000 сўм. Кўшимча бадаллар қабул қилинади. Омонат сақланган биринчи ой учун фойз

ставкаси — 16 фоиз йиллик, кейинги ҳар уч ойда фойз ставкаси 0,5 фоиз йиллик ҳисобидан ортиб боради:

- 4 — 6 ойлар сақланганида — 16,5 фоиз йиллик;
- 7 — 9 ойлар сақланганида — 17 фоиз йиллик;
- 10 — 12 ойлар сақланганида — 17,5 фоиз йиллик.

Фойзлар ҳар ойда ёки сақланиш муддати тугаганидан кейин, капитализациясиз тўланади.

Омонат шартномаси муддатидан аввал бекор қилинганида, ҳар уч ой учун ҳисобланган фойзлар сақланиб қолади.

### «Комфорт»

#### жамғарма омонати

Сақланиш муддати — 25 ой. Фойз ставкаси — 18 фоиз йиллик. Энг кам дастлабки бадал — 5 000 000 сўм. Ушбу омонат турида кириш ва чиқим амалиётлари кўзда тутилган бўлиб, бунда 5 000 000 сўмлик қолдиқ камаймасдан сақланиб туриши шарт.

Фойзлар бир йил сақланиш муддати ўтгач ҳамда сақланиш муддати тугаганидан кейин капитализациясиз тўланади.

Омонат масофадан туриб очилганда фойз ставкаси — 18,25 фоиз йиллик.



(“Халқ сўзи”нинг навбатдаги сони 16 июнь, якшанба кунги чиқади).

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 57 463 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Ўзловлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган кўлабмақал тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштиришга ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан сақлалади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” навириёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.  
Навбатчи — М. Аҳмаджонов.  
Мусаҳҳах — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” навириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.30 Топширилди — 00.05 1 2 3 4 5 6

ISSN 0010-4788